

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Н.Хайдарова, Д.Махманов

Аннотация: Мазкур мақолада пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини ошириш заруратига асосланган мавзудаги мақоланинг мақсади, вазифалари белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: пенсия жамғармаси, самарадорлик, даромадлар, харажатлар, молиявий кўрсаткичлар, ресурслар, иш хақи фонди, сугурта бадаллари, макро иқтисодий кўрсаткичлар.

Аннотация: В данной статье определены цель и задачи статьи по данной тематике, исходя из необходимости повышения финансовой устойчивости пенсионного фонда, обозначена актуальность республиканской науки и техники для приоритетных направлений развития, отражена научная новизна и практические результаты исследования, теоретическая и практическая значимость полученных результатов.

Ключевые слова: пенсионный фонд, эффективность, доходы, расходы, финансовые показатели, ресурсы, фонд оплаты труда, страховые взносы, макроэкономические показатели.

Аннотация: This article defines the purpose and objectives of the article on this topic, based on the need to improve the financial stability of the pension fund, identifies the relevance of republican science and technology for priority areas of development, reflects the scientific novelty and practical results of the study, the theoretical and practical significance of the results obtained.

Keywords: pension fund, efficiency, income, expenses, financial indicators, resources, wage fund, insurance premiums, macroeconomic indicators.

Кириш

Ушбу мақолада пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг ижтимоий, назарий-ҳуқуқий асослари, пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари тадқиқ қилинган. Мақоладаги

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва амалий хулосалар шакллантирилган. Иқтисодий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, давлатларнинг иқтисодий ислоҳотлари авваламбор давлат пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий сиёсатдаги муайян ўрни ва вазифалари билан узвий боғлиқдир. Пенсия таъминоти тизимининг самарадорлиги миллий иқтисодиётни молиявий жиҳатдан соғломлиги, жамиятдаги макроиқтисодий ва институционал муносабатлар барқарорлигининг ўзаро мувофиқлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизими мамлакатнинг иқтисодий жараёнларига фуқаро, оила ва маҳалла миқёсида ўз таъсирини ўтказди. Ижтимоий жиҳатларини кўриб чиқадиган бўлсак, пенсия таъминотининг самарадорлигини унинг ижтимоий йўналтирилганлиги, яъни аҳоли турмуш фаровонлигига мақсадли ва самарали эришганлиги билан белгиланади. Пенсия таъминотининг асосий вазифаси юқоридаги манфаатларга эришиш мақсадида пенсия оладиган аҳоли қатламларининг реал даромад миқдорларини сақлаб қолиш, турмуш даражаси ва сифатини ошириб боришга қаратилган. Юртимизда ижтимоий иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишини таъминлаш билан бир қаторда бюджет–солиқ сиёсатини такомиллаштириш, давлат бюджети даромадларининг мавжуд захираларини ўрганиш муҳим вазифа қилиб олинди. Бу жараёнда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқариш механизми, даромад қисмини ифода этувчи молиявий манбаларни шакллантириш таҳлили муҳим ўрин эгаллайди деб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида айтиб ўтди.[1]

Ижтимоий ҳимояланиши меҳнатга лаёқати бўлмаган фуқароларни ижтимоий жамғармалар маблағлари ҳисобидан меҳнат ва ижтимоий пенсияларни бериш йўли билан Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқларни кафолатлаб беради. Ёшга доир ва ижтимоий пенсиялар пенсия ёшидаги аҳолининг турмуш даражаси ўсишини таъминлаш манбаларидан бири ҳисобланиб, пенсияларни олиш ҳуқуқига эса меҳнат қилиш асосида эришилади.

Мавзуга оид адабиётларни таҳлил қилиш

Пенсия ва нафақаларга турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, профессор В.Роикнинг илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий институти ҳисобланган ижтимоий суғурта тизими, ижтимоий суғуртанинг молиявий-иқтисодий асослари, ишсизлик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртасининг замонавий институтларини шакллантириш каби масалалар тадқиқ қилинган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртасининг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши асослаб берилган.[2]

А.П.Шеменов ва С.Н.Орловларнинг илмий хулосаларига кўра, демографик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий пенсия таъминотининг янги тизимини яратиш ва унинг молиявий барқарорлигини

мустаҳкамлаш зарурлиги илгари сурилган. Олимнинг фикрича, хориж тажрибаларига таяниб, пенсия таъминоти механизмининг алоҳида элементини – касбий жамғариб бориладиган пенсияни шакллантириш керак. Лекин, илмий тадқиқот ишларида ижтимоий нафақалар назардан четда қолган.[3]

Г.Касимова ва Д.Шолдороннинг илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида пенсия таъминотининг ўрни ва аҳамияти, пенсия таъминотида молиявий ресурсларнинг хавфсизлиги ва рисклар, пенсия таъминоти маблағларини инвестициялашда рискларни бошқариш ҳамда пенсия таъминоти маблағларини самарали бошқариш масалалари ёритиб берилган.[4]

Д.Рустамовнинг Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган диссертация ишида Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.[5]

– Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг жинси ва алоҳида касбий фаолиятларидан қатъий назар пенсия жамғармалари даромадларини шакллантириш ва фойдаланишда тенг иштирокини таъминлаш таклиф этилган; – пенсия миқдори билан ходимнинг меҳнат стажи давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи давомийлигини Ҳалқаро меҳнат ташкилоти талабларига мувофиқ 5 йилдан 7 йилга ошириш таклиф этилган; – пенсияни имтиёзли шартларда олиш ва пенсия олишга даъвогарлик қилиш жараёнида меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат шартномаси бўйича хорижда тўплаган меҳнат стажини ҳисобга олиш механизмининг йўлга қўйиш орқали пенсияларни тайинлаш ва тўлаш амалиёти такомиллаштирилган; – хорижий мамлакатларнинг ижтимоий суғурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий пенсия тизимидаги иштирокини рағбатлантириш чораларини қўллаш ва авлодлар молиявий иштироки эквивалентлигини таъминлаш амалиётини Ўзбекистон пенсия тизимини ислоҳ этиш жараёнида қўллаш асосланган.

А.Вахабов ва бошқалар иштирокидаги тадқиқотларда пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари тавсифланган ва таснифланган, пенсиянинг ижтимоий таъминот тизимидаги роли очиқ берилган, жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделлари ва пенсия таъминотини ривожлантириш тажрибаси, ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия тизимларини ислоҳ этиш йўллари баён қилинган.[6]

Аммо, юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларида пенсия ва нафақа тушунчаларининг мазмун-моҳияти, хусусиятларива амалиётда қўлланилиши нуқтаи назардан аниқ бир фикрлар ва таклиф-тавсиялар келтирилмаган.

Дунё пенсия таъминоти тизимида улкан ҳисса қўшган олимлар, қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин Н.Барр, Р.Холцман, Д.Эстел, Д.Линдеман, М.Рутковский. Пенсия таъминоти тизимида доир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг бир қатор иқтисодчи олимлари

В.Н.Баскаков, А.Н.Больницкая, К.Г.Воблый, Е.В.Галкина, Е.Н.Жильцов, А.Н.Иванов, С.В.Кадомцева, Ф.М.Куршаева, П.К.Лаврентьева, Е.Н.Лысенко, Е.Е.Мачульская, В.Д.Роик, А.С.Соколовлар ўзларнинг илмий изланишлари хусусида авлодлар бирдамлиги тизимидан аралаш пенсия тизимига ўтишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Таҳлил ва натижалар

2020 йил 1 сентябрдан пенсия ва нафақалар 10 фоизга оширилиши тўғрисида Президентнинг 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сон Фармонида назарда тутилган. Пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори оширилишини қуйида жадвалда келтирилган. Ошириладиган миқдор 10%ни ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, бундан олдинги жорий йилнинг 1 февридаги индексациялашда 7%га оширилган.

Тўлов тури	Энг кам миқдор (бир ойда сўм)	
	2020 йил 1 февралдан 1 сентябргача	2020 йил 1 сентябрдан
Пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори	238 610	262 470
Ёшга доир энг кам пенсиялар	466 680	513 350
Болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа	466 680	513 350
Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа	286 390	315 030

Президент Фармонида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдорини ошириш назарда тутилмаган. Улар амалдаги – тегишлича ойига 679 330 сўм ва 223 000 сўм миқдорида қолдирилганлиги тўғрисида айтиб ўтилган.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг охиригача қуйидагиларни олувчилар сони оширилиши келтирилган:


- 14 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд нафақа олувчи оилаларнинг амалдаги сонини 2 бараварга ошириб, 700 минггача;
- икки ёшга тўлгунига қадар бола парвариши бўйича нафақа олувчилар сони 333 мингдан 400 мингга;
- моддий ёрдам олувчилар сони – 89 мингдан 100 мингга етказилади.

Тўлаш муддати июль-сентябрь ойларида тугайдиган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва бола парвариши билан шуғулланадиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой муддатга автоматик тарзда узайтирилишини, бунда

ягона шарт – болалар тегишлича 2 ёш ва 14 ёшдан ошмаган бўлиши лозимлигини Президент Фармонида келтириб ўтилган деб иқтисодчи олимларимиз ўзларини ёзган илмий қўлланмаларидан.

Давлат пенсионерларни муносиб нафақа билан таъминлай оладими? Умр кўриш давомийлигининг ошиши ва туғилишлар сонининг камайиши бутун дунёда кекса одамлар салмоғини оширмоқда ва бу ижтимоий таъминот тизимларининг, жумладан, пенсия ва соғлиқни сақлаш тизимларининг тўлов қобилиятини пасайтиради.[7]

2011-2035 йиллар мобайнида дунёдаги пенсиялар қуйидагича ўсади:



1,3% Ривожланган мамлакатлар даги ЯИМ 2,2% Ривожланаётган мамлакатлардаги ЯИМ Демография Шахснинг ривожланиши Технологик салоҳият 2035 аҳоли ўрта синфга киради ривожланаётган мамлакатларда яшайди 60% 80% Жаҳон ахбороти сўнги икки йилда яратилган 90% Баъзи минтақалар кўпсонли ёшларнинг тўйинган меҳнат бозорларига кириш муаммосига дуч келади.

Баъзи минтақалар кўпсонли ёшларнинг тўйинган меҳнат бозорларига кириш муаммосига дуч келади.

1. Пенсионерлар сонининг ўсиши агар **жорий аҳоли ўсиш суръати** сақланиб қолса, 2035 йилгача Ўзбекистонда **42,1 млн.** киши яшайди, шу билан бирга 1 нафар пенсионерга нисбатан **ишлаётганлар сони камайд.** 2017 йилда бир нафар пенсионер учун 6 нафар ишга лаёқатли киши тўғри келган бўлган бўлса, 2035 йилга келиб бу нисбат **1 пенсионерга 4 кишигача** пасаяди. Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармасининг бир пенсионер учун миқдори - 743 АҚШ долларини ташкил этади.[8]

Фуқароларнинг давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепцияси Фуқароларни ижтимоий суғурта тизимида доимий иштирок этишга даъват этадиган замонавий механизмларни жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш бўйича мажлисининг 1-сонли баённомасига

мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президент Маъмурияти раҳбари томонидан тасдиқланган 2018 йил 16 сентябрдаги «2019-2030 йилларга мўлжалланган фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун 2019-2030 йилларда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясининг лойиҳаси қуйидаги асосий йўналишлар бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқмоқда:

1. Фуқароларнинг ижтимоий норозиликка йўл қўймаслик, уларни пенсия тизимидаги ўзгаришларга тайёрлаш учун янги ўзгаришлар ҳақида олдиндан эълон қилиш керак (масалан, 1 - 3 йил олдин)

2. Пенсия жамғармасининг мумкин бўлган бюджет танқислигини бартараф этиш учун унинг юзага келишининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар қабул қилиш.

3. Давлат бюджети ҳисобидан пенсиянинг минимал (кафолатли) қисмини тўлашни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш.

4. Фуқароларнинг даромадларини қонунийлаштириш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан ўзўзини иш билан таъминлайдиган ва хорижий мамлакатларда ишлаётган меҳнат мигрантларининг ҳисобидан бадал тўловчиларнинг қамровини кенгайтириш орқали.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни 1993 йилда тасдиқланганлигини ҳисобга олиб, пенсия таъминоти соҳасида таклиф қилинган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда Қонунни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур. [9-11]

Хулоса ва таклифлар

Ушбу мақоламиздан келиб чиқиб, қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди.

1. Меҳнат мигрантларини қабул қилаётган мамлакатлар билан давлатлараро шартномалар тузиш орқали ижтимоий тўлов ундирилишини кенгайтириш учун шарт-шароитларни яратиш ҳамда пенсиялар миқдорини пенсия жамғармасига суғурта бадаллари билан боғланишини кучайтириш мақсадида пенсияларни тайинлашнинг амалдаги тизимини ислоҳ қилиш лозим.

2. Меҳнат стажи, иш ҳақи ҳажми даражаси ва пенсия жамғармалари миқдorigа боғлиқ бўлмаган ҳолда мамлакатнинг барча фуқаролари томонидан тўлаш белгиланган минимал пенсия давлат томонидан кафолатли тўланишини таъминлаш билан бир қаторда фуқароларнинг пенсия маблағларини жойлаштириш учун мақбул шароитларни яратиш йўналишида ислоҳ қилиш асосида пенсияларнинг мажбурий жамғариладиган қисмини кенгайтириш зарур.

3. Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган ногиронлик учун пенсия тўловлари бюджет маблағлари ҳисобидан

молиялаштириш тизимига ўтказиш зарур, яъни (эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини ошириш ёки уларни тенглаштириш, пенсия жамғармасига ажратмалар ставкасини ошириш ва бошқалар ҳисобидан).

4. Миллий амалиётимизда пенсия миқдорининг минимал ва максимал чегараларини ҳамда уларнинг меҳнат ҳақининг минимал миқдори билан ўзаро боғлиқлигини ўзгартириш орқали пенсиялар миқдорини ҳар йили индексациялаш тартибини жорий этиш зарур.

5. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантиришда тараққий этган мамлакатлар пенсия тизимини қиёсий таҳлил этилиши орқали Ўзбекистон ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улардан мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

6. Юртимизда пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш нуқтаи-назаридан ўтказилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, базавий пенсияни умумий солиқлар ҳисобидан молиялаштириш ва пенсия ёшини босқичма-босқич, яъни 2021 йилдан ҳар йили 6 ойга оширилиб, 2027 йилга бориб эркаклар 63 ёшда, аёллар 58 ёшдан пенсияга чиқиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланишини Жаҳон банки, Center for Economic Research, International Telecommunication Union, Population Pyramid, ишчи гуруҳининг таҳлилида келтириб ўтилган.

Яқуний хулоса қилиб қуйдагиларни келтиришимиз мумкин:

- бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш орқали пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда уларнинг иштирок этишларини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- пенсия жамғармалари молиявий барқарорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини чуқур тадқиқ этиш асосида олинган хулосалардан миллий амалиётимизда пенсия таъминоти тизимини босқичма-босқич ривожланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда истиқболда самарали фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган;

- пенсия жамғармаси даромадларини шаклланиши, уларнинг таркибий тузилиши ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш асосида кейинги йилларда пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва улардан оқилona фойдаланишдаги мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

- илғор халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини оширишнинг ўрта муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари турли кўринишдаги сценарийлар асосида таҳлил қилинган ва эҳтимолий муаммоли вазиятлар юзасидан муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган;

- пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва уни молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 29.12.2020.
2. Роиқ В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 352 с.
3. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.
4. Касимова Г., Шолдоров Д. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. – Т.: “ТМИ”, 2017. – 225 б.
5. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.
6. Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2018. – 400 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли қарори.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, Давлат илмий нашриёти. II ҳарфи. 158-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 107-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони.
11. “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.